

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



Республика прокуратура органларининг вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, оилани мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш каби йўналишларда олиб борган тадбирлари ўз самарасини бермоқда.

4-бет

ЎЗИНГА ЭХТИЁТ БЎЛ...

ЎКИ ҚОНУНЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ АЧЧИҚ САБОҚЛАРИ

Менинг нодонларча қилган бу ишим яна бир оилга бахтсизлик олиб келди. Яъни уйга эга бўлган ҳамкасбим кўп ўтмай яқин дугонасининг эрини ҳам эгаллаб олди ва шу уйда бирга яшай бошладилар.

7-бет

ЗУЛҚАРНАЙНИНГ МАЪНОСИ

Шарқликлар юнон ҳаҳонгирини «Александр» деб айтолмай «Искандар» дейишган. Лекин нима учун шарқликлар бу сўзини мослаштириб ўки шундайлигича олмаганлар?

8-бет

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

#22

(337)

YURIDIK GAZETA

Iyun				
D.	7	14	21	28
S.	1	8	15	22
Ch.	✓ 9	16	23	30
P.	3	10	17	24
J.	4	11	18	25
Sh.	5	12	19	26
Y.	6	13	20	27

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

www.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA



МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

Шу йилнинг 29 май куни Республика Бosh прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши бўлиб ўтди.

Йигилишда Бosh прокуратуранинг 2004 йил биринчи ярми учун белгиланган иш режасига асосан БМТ Бosh ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийнок ва бошқа таъйиқларга қарши кураш борасида»ги конвенция талабларининг бажарилиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан ариза ва шикоятларнинг ҳал этилиши, рецидив жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар, жазони ижро этиш жойларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш, ички ишлар органларида тезкор қидирув фаолиятининг натижалари муҳокама қилинди.

Кенгашда Бosh прокурорнинг ўринбосари Ҳ.Нематов, Ички ишлар вазирининг 1-ўринбосари Т.Муллажонов иштирок этди. Шунингдек йигилишда адлия вазири, давлат солиқ ва боғжона қўмиталари, Бosh прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти, МХХ тергов бошқармаси масъул ходимлари ҳамда Бosh прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарлари, ИИБ бошлиқларининг 1-ўринбо-

сарлари қатнашишди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Бosh прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашини таъминлай-ушлбий таъминлаш бўлими бошлиғи Б.Ахундов ва ИИБ органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи Ҳ.Оқбўтаевларнинг ахбороти тингланди. Маърузада амалиётда эришилмаётган ютуқлар билан айрим камчиликлар ҳам борлиги қайд этилди. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора-лар ходимларининг ҳаракатлари устидан келаётган шикоятларнинг ҳал этилиши алоҳида назоратга қилиниб, доимий таҳлил қилиб борилиши, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган ходимлар эса жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳам таъкидланди.

Кенгаш қатнашчилари «Инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийнок ва таъйиқларга қарши кураш борасида»ги конвенция талаблари республика-мизда тўлиқ амалга оширилиши ҳамда бу борада 2004 йил 9 март куни Бosh вазир томонидан имзоланган иш режаси тўлиқ бажарилиши лозимлиги ҳақида фикр билдиришди.

Йигилиш сўнггида қарор лойиҳаси муҳокама қилиниб, айрим қўшимчалар киритилган ҳолда қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз В.МИСИН олган сурат

SESIYADAN KEYINGI O'YLAR

ДЕМОКРАТИЯ — АДОЛАТ Демакдир

Ижтимоий адолат қонунийликда намоён бўлади. Мансаб, лавозимидан қатъи назар ҳар бир фуқаро зиммасидаги бурч ва мажбуриятга амал қилиб, қонун доирасида ишлаб, жамият тараққиётига, эл-юрт равнакига хизмат қилади, обрў-эътибор топади. Амал курсисига ўтириб ўзига бино қўйган, бошқалар фикри билан ҳисоблашмай қўйган, тўғри-нотўғри-ми, ўз нуқтаи назарини ўтказишга одатланган киши тараққиётга тўсиқ бўлиб қолади. Раҳбарнинг юриш-туриши, маънавий қиёфасига қараб фуқароларнинг ҳокимият идоралари-га муносабати ижобий ўки салбий бўлиши мумкин.

Президентимизнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида баён этган фикр-мулоҳазалари ана шу жиҳатдан кишини уйга толдиради. Юртбошимиз ўз нуқтаи андижонликларнинг ибратли фазилатлари, эришган ютуқларини эътироф этиш билан бирга, сўнгги пайтларда вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сулалашгани, бунинг сабабларидан бири вилоят раҳбарлари оддий фуқароларнинг турмуш таъшишларидан, муаммоларидан йироқлашиб қолганини қунончақлик билан таъкидлаб ўтди. Вилоят раҳбарларининг ютуқлардан ҳаволаниб кетиши, муаммо ечимини излаш ўрнига камчиликлардан кўз юмиши фуқароларда ҳокимият идораларига нисбатан ишонсизлик туйғуларини уйғота бошлади. Вилоятда иш ҳақи ва нафақа тўловларида узилтишларга барҳам бериш, бунинг учун нақд пул тўшуми муаммосини ҳал этиш билан жиддий шуғулланилмади. Турли лавозимдаги мансабдор шахсларнинг мансаб ваколатини суниетсизмол қилиш, ерлардан ноқонуний фойдаланиш, мақсади маблагларни ўзлашти-риш, минерал ўғитлар, ёнгилги-мойлаш материалларини талон-тарож қилиш каби жиноятларни келтириб чиқараётган шарт-шароит ва сабаблар бартараф этилмади. Вилоятда оғир жиноятлар кўпайди.

Президентимиз юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг атрофича таҳлил қилиб, раҳбарларга, аввало вилоят ҳокимига ҳақли эътирозларини билдирди. Ишдаги хато ва камчиликларни бартараф этишга оид фикр-мулоҳазаларни баён этди. Бунинг учун эса жамият ҳаётида айрим шахсларга эмас, балки аниқ қонун ва ҳуқуқ нормаларига асосланган тизим барқарор ишлаши керак, деб ўқтирди.

Юртбошимизнинг Андижон вилояти халқ вакиллари ҳузуридаги нутқидан ҳулоса чиқариб, жамиятимизнинг демократик асоси — қонунийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий маъна, мансаби, лавозимидан қатъи назар, барча фуқаролар қонунларга бирдай амал қилишига эришмоғимиз даркор. Инсон аввало Конституция, қонунлар ва ҳуқуқий мезонлар асосида яшashi керак. Бундан давлат манфаати эмас, инсон манфаати биринчи ўринда туриши даркор. Демократия сўзининг мазмун-маъноси — адолат демакдир. Барча, аввало раҳбар ходимлар адолат тамойилига риоя қилиб, эл-юрт ишончини оқласа одамларнинг келажакка ишончи янада ошади.

М.ИБРОХИМОВ,

Фаргона шаҳар ҳокимлигининг масъул ходими

Моҳият

Улуғлик шарафин

истаган одам,

Кичикларга айлар

ҳиммату карам.

Хусрав ДЕХЛАВИЙ

SABOQ

Ўзбекистон Президенти Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессия-сида сўзлаган нутқидан биринчи раҳбарнинг ўзини тутиши, маънавияти ҳамда вилоятда турли соҳаларда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар ҳақида куйиниб гапирди. Айниқса, Андижонда энг илгор соҳа ҳисобланган қишлоқ ҳўжалигида ҳам қонунбузилиш ҳолатлари рўй бераётгани, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 21,9 млн сўмлик техника, 12,1 тонна ёнгилги, 46,1 тонна минерал ўғит ноқонуний ўзлаштирилгани, шунингдек, ердан ҳўжасиз-

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

ларча фойдаланиш, уни ўзбошимча-лик билан эгаллаб олиш ҳолатлари рўй бераётгани гоят ачинарли экан-лигини таъкидлаб ўтди.

Афсуски, бундай ҳолат Наманган вилоятда ҳам мавжуд. Масалан, «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ижроси юзасидан ўтказилган текширишда бир қатор қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида ердан тўғри фойдаланиш тартибини

белгилувчи қонунлар ижросини таъминлаш борасида 59 та текшириш ўтказилди. Унда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 100 та таъдирнома киритилди. 145 нафар шахс қонун талабини бузмаслик ҳўсусида оғохлантирилди, 19 та қонунга зид ҳўжжатга протест келтирилиб, 5 та жиноят иши кўзғатилди.

Вилоят бўйича ердан фойдаланишга оид қонунлар ижросини бузганлиги учун 4 нафар туман ҳокими, 6 нафар ер ресурслари хизмати бошлиғи, 2 нафар ширкат ҳўжалиги раҳ-

бари интизомий жавобгарликка, 24 нафар ширкат ҳўжалиги раҳбари, 9 нафар ҳўжалик ер тузувчиси, 151 нафар фермер маъмурий жавобгарликка тортилди.

Вилоят прокуратурасида Президентнинг Андижонда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилишда мана шу қонунбузилишлар ва бошқа соҳаларда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар атрофича таҳлил этилди. Юртбошимизнинг таъкидий фикрлари барчамиз учун дастуриламал бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Одилжон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

PROKUROR NAZORATI

Вилоят прокуратура органлари томонидан фармон ижросини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тадбирлар ўтказилиб, қонунбузулиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш чоралари кўриляпти.

ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

рида қонун талаблари бузилгани аён бўлди. Масалан, Пахтаобод туманидаги «Туркистон» ширкат ҳўжалиги бошқарувининг собиқ раиси К.Бурхонов «Зарри» фермер ҳўжалигига 2,5 гектар экин майдонини хотамтойлик бўлиб бериб юборган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни республикаимизнинг барча жойларида турлича кечаяпти. Кишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қарор топтирашга оид қонунлар ва қонуности ҳўжатларига зид равишда ер, сув, техника воситалари, минерал ўғитлар, пул маблағларидан фойдаланиш, иш ҳақи тўловларида қонунбузулиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

тида ҳўжаликка салкам 1 миллион 800 миң сўмлик зарар келтирилган. Текширишлардан маълум бўляптики, фермер ҳўжалиklarнинг фаолиятида ва шартномавий муносабатларда ҳам қонунбузулиш ҳолатлари мавjud.

нотчи А.Мавлоновлар 2002-2003 йилларда фермерларга етказиб берилган лозим бўлган 6,2 тонна ёқилғимойлаш материаллари, 671 килограмм полиэтилен плёнчалари, жами 1 миллион 180 миң сўмлик мулкни ўзлаштирган.

AROQXO`RLIK – ILLAT

БОР БЎЛ, САДОҚАТ!

Ҳаё, ибо, садоқат, муҳаббат аталмиш ноёб туйғулар борки, аёл зоти тоабод гўзаллик, қадр-қиммат қуршовида улуғланверади. Аммо, бу улуғ эҳтиромга мос бўлаолош ҳар бир аёлга ҳам насиб этавермайди...

Хали ёш бўлса-да икки марта судланишга улгурган Азизжон Раҳимов енгил-епли ҳаётни катта бахт деб билади. У 2003 йил 24 ноябр куни хўфтонда бироз ширакайф ҳолатда Зиёвуддин шахарчасида яшовчи таниши Дилором Жумаеванинг уйига бориб, у ерда уй соҳибаси, Ойдинисо Сафарова ва Алишер Нурматовлар билан давра қуришади.

Орадан 4 кун вақт ўтиб, яна худди шунга ўхшаш ҳодиса содир бўлди. Машафтпараст, оила, бахт тушунчаларини бегона ишваларга алмаштириб юрувчи А.Қўлдосов бир арокни қўлтўқча уриб, Пахтачи туманида истиқомат қилувчи Қ.Мўминовнинг уйига таниши М.Сайимовни бошлаб боради.

EGRI YO`LNING OXIRI

ҚАСА ЎТИДА ЁНГАН КУЁВ

Ҳаёт — Яратгanning бандаларига ато этган буюқ инояти. Инсон умрига суиқасд шариятда ҳам, қонуничликда ҳам қаттиқ қораланади.

... Ҳамма «томоша» тўйдан кейин бошланди. Ҳалимдеккина кўринган қувётура хурмача қилиқлар чиказича, турмуш ўртоғини ҳуда-бе-ҳуда тергайдиган бўлди.

Моҳият Одам қали борлиги учун мақталмайди, балки кўнглидаги инсоф, адолат, мардлик каби фазилатлари учун мақталади.

APACTY

риш йўлидан ҳеч нарса, на мансаб масъулияти, на виждон азоби тўхтатиб қололмади. «Ҳали йигирмага тўлиб-тўлмаган ўғлимнинг қамалиб кетишини жимгина томоша қилиб ўтирадиган даражада ахлоқ эмасан. Уни олиб қололмасам нима деган одам бўлдим, эртага унинг кўзига қандай қарайман?»

Шомирза ХУДОЙКУЛОВ, Пахтачи туман прокурори

«Нама Исромова билан ён қўшнимизда. 28 август куни соат 12 ларда жон ҳолатда чинқирганини эшитиб, югуриб чиқдим. Қарасам, кўчанимиздан 50-60 метр нарида оч кўк рангли «Тико» катта тезликда кетаяпти. Наима опа эса шундоқкина дарвозахонада қонга беланиб ётибди.

Пойтахтта шахсий ишлари билан келган Аслидинга (исмлар ўзгариб берилмоқда) ўзи раҳбарлик қилаётган Оҳангарон темир йўл станцияси Ички ишлар бўлимидан телефон қилишиб, ўғли Меҳридин жанжал устида бир йигитга оғир тан жароҳати етказгани, оқибатда жабрдийда оҳангаронага ётқизилгани ҳақида айтишганида ҳаёлидан нималар кечгани ёлғиз ўзига аён.

QONUN BARCHAGA BAROBAR

Ўғил жиноят қилди. Ота нима қилсин? Унинг учун икки йўл бор: ўглининг жиноятини ашириш ва уни муқаррар жазодан олиб қолиш ё бўлмаса тақдирга тан бериб, жиноятчи ўглини одил суд ҳўқмига топшириш.

Ўғлининг жиноятини яшираман деб...

Остиде ишлаётган милиция ходимларидан билгач, жабранувчи М.У.нинг касалхонада кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамай оғир жароҳат оқибатида вафот этганидан хабар топиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ўғли содир қилган жиноятни яшириб, Тошкент ТИББ бошлиғига «жабрланувчи маст ҳолатда йиқилиб жароҳат олганилиги оқибатида касалхонада вафот этган» деб ёлғон ахборот берган.

киб кетишга улгурган Меҳридин М.У.нинг жағига зарб билан уради. Зарба оқибатида боши билан бетон йўлакка йиқилган М. У.ни зудлик билан касалхонага олиб боришади. Афсуски, жароҳат оқибатида миясига қон қуйилган жабранувчи касалхонада вафот этади.

Дилшодбек ОМОНОВ, Наманган вилоят прокурорининг катта ёрданчиси

Равшан МАШАРИПОВ, Тошкент транспорт прокурорининг ёрданчиси

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидаёқ вояга етмаганлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Уларнинг таълим-тарбия олишлари, ҳар жиҳатдан соғлом ва маънан етук бўлиб улғайиши учун барча шароит яратиб берилган.

Ваазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги қарори қабул қилинганлигига уч йилдан ошди. Шу вақт мобайнида ушбу қарор асосида ташкил этилган ҳукумат комиссияси зиммасидаги вазифаларни бажариш борасида қатор ишларни амалга оширди. Айниқса, республика прокуратура органларининг вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, оилани мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш каби йўналишларда олиб борган тadbирлари ўз самарасини бермоқда.

Ҳар бир бола жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий камол топиши учун зарур ҳаёт даражасига эга бўлишга ҳақлидирлар. Ота-оналар фарзандлари учун зарур бўлган ҳаёт даражасини таъминлашга жавобгардирлар.
(Болалар ҳуқуқларига оид Конвенциядан)

МУРУВВАТГА ТАШНА ҚАЛБЛАР

Маълумки, дунёга келган чақалоқ оламга ўз назари билан нигоҳ ташлайди. Атрофидаги инсонларга тақдир қила бошлайди. Ҳар кун ўзининг мимикалари билан боради. Болалик ва ўспиринлик инсон феълидаги фазилат ва нуқсонлар айна шу ёшда ўзлаштирилади. Бу эса унинг камолот ёки розалот йўлининг қай биридани боришини белгилаб беради.

Бола тарбияси давлат сийбати даражасига кўтарилган бир пайтда вояга етмаганлар билан боғлиқ муаммолар, афсуски, ҳамон мавжуд. Бу ҳолат муаммоларга зудлик билан ечим топишга ундайди. Муаммонинг илдизига еришгандан кейин пайтда бу борада қандай ишлар амалга оширилди ва яна нималар қилиниши керак?

Ўзбекистон телерадиокомпанияси, «Ўзбектеlevision» студияси ва Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида тайёрланган «Муруватта ташна қалблар» деб номланган ҳужжатли фильмда вояга етмаганлар билан боғлиқ муаммолар чуқур таҳлил этилади ва юқоридаги каби саволларга жавоб кидирилади.

Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ўсмирларнинг тушуши ҳолатлари таҳлил қилинганда юқоридаги саволларга жавоб топилгандай бўлади. Барчага аёниқ, ўсмир тарбияси учун аввало унинг ота-ониси, мактаб, маҳалла-йўл масъул. Лекин улар томонидан лоқайдлик қай қилinsa-чи?

Фильмда ана шундай лоқайдлик оқибатида келиб чиқаётган муаммолар таҳлил этилади.

Бола тарбиянинг кўча-қўйда, бозорларда, бекатлардаги назоратсиз механизмга кўникаб қолдик. Албатта, фарзандларимизнинг меҳнатда чиники-

ши таҳсинга лойиқ. Лекин назоратсиз қолган болалар жиноят олами учун тайёр маҳсулот эканлигини ҳам унутиб бўлмайди.

Айрим ота-оналар пул топаман деб ёки ҳаётнинг ўлгинчи хою ҳавасларига берилиб ўзларининг ҳақиқий бойликлари бўлган фарзандларидан ажралиб қолаётганларини кеч тушунадилар.

Жиноятчиликка, хусусан вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашнинг энг оқилона йўли унинг олдини олишдир. Бу борада олиб борилаётган ишларда прокуратура идораларининг ҳиссаси салмоқли.

Ўспириннинг жиноят кўчасига кириб кетишига биринчи сабаб лоқайдлик дединг. Қаровсиз қолган болаларни жиноятчилар доминдан лоқайд туриб сақлаб қолиб бўлармиди?

Ҳужжатли фильмда назоратсиз болалар билан боғлиқ равишда гиёҳвандлик муаммоси ҳам кўтарилди. Гиёҳвандлар қаторида йил сайин вояга етмаганларнинг ортиб бораётгани ҳақиқатан ачинарли ҳолдир.

Панжара ортидаги ўспирин. У жиноятта жазо муҳаррирлигини англаб етганидан кеч бўлган эди. Фильмда шундай ўспиринлар томонидан айтилган пшаймонлик сўзлари ҳеч кимни бебарқ қолдирмайди. Бу сўзлар ота-оналарни ҳушёрликка ундаса, ўспиринларни ақл билан иш тутишга чакиради.

Тўртинчи йили ўтиб бораётган XXI аср кўчма кўчма қандай тасаввур қилиш мумкин? Бунинг учун узок Европа ёки Америкага бориб, Ла-Манш остидан ўтган туннелни, тезорар поездларни, атом электр станцияларини ўз космик кемаларни кўриш шарт эмас. Атрофимиздаги қўшчилар, дўстларимизнинг кундалик турмушига назар солишнинг ўзи кифоя. Айтилиқ, қайсидир дўстимиз замонавий дастур асосида бошқариладиган «Кейс» тракторининг ҳайдовчиси. Кимдир улкан электр станциясида оператор. Шаҳарма-шаҳар кезиб юриадиган мана бу йилги журналист. Унинг қўлида рақамли диктафон, видеокамера, чўнтак телефони. Ҳулоса шундан иборатки, бугун кишилик маданияти шу даражадаки, ҳар бир шахс фаровон турмуш кечирши учун улкан аҳборотга, билим ва малакага эга бўлиши шарт. Бундай кенг қамровли аҳборот асосларини фақат ўрта умумтаълим тизими воситасидagina шахсга етказиб бериш мумкин.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дўстурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ортида ҳам

Халқимизда азалдан қиз болалар тарбиясига алоҳида эътибор билан қараб келинган. Аммо афсуски, сўнгги пайтларда айрим ўсмир қизлар ахлоқи билан боғлиқ огриқли муаммо пайдо бўлди. Тарбиядаги нуқсонлар оқибатида баъзи қизлар энгил-елги, ғайри ахлоқий йўлларга кириб қолмоқда. Фильмда бу муаммо илдизларининг таҳлили томошабини мулоҳазага, масъулиятга ундайди.

Биз меҳрмуруватли халқимиз. Меҳрмуруват бора-сидда бошқа миллатларга ўрнак бўларли хаёқ саналганмиз. Аммо Мехрибонлик уйларида битта бўлса-да гўдак бор экан, шундай дейишга ҳақлимизми?

Фильм сўнгида ана шундай Мехрибонлик уйда тарбияланаётган қизалоқнинг тошбаир ота-оналарга нисбатан ишонқорона қалб кечинмалари, сўзлари ҳеч кимни лоқайд қолдирмаслиги тайин.



Шаҳримизда саккиз минг нафар вояга етмаган ёшлар мавжуд. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадига шаҳар прокуратураси ва ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида янги спорт комплекси ташкил этилди, — дейди Ширин шахар прокурори Баҳоидир ҲАЙДАРОВ.

Собит АЛИБОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим катта прокурори

ТАЪМИРТАЛАБ МАКТАБЛАР

ана шундай мақсад ётади. Ҳўш, умумий ўрта таълим тизимига бу қадар катта эътибор қаратилишига нима сабаб бўлди?

дилар ҳам йиғилиб, талабалар билан ўзаро мулоқотлар олиб боришда.

— Коллежимизда тананиқ рессомлар ишлашда. Улар ўз кўргазмаларини пойтахтимизда бир неча бор намойиш этишган, — дейди ёш мусаввир, «Зулфия» номидаги давлат мукофоти совриндори Мўстабар Рўзметова. — Ҳозир улар бошчилигида фаолият юритаётган «Рагн дунё» тўғрагида талабаларимиз яратаётган суратларда ҳам «Қонун, шахс ва бурч» тушунчалари акс эттирилган.

Дарҳақиқат, эртанги кун эгаларининг қандай салоҳиятга эга бўлиши, уларга бугун берилётган билим ва тарбияга боғлиқ. Бунинг Хазорасп педагогика коллежи жоаоси чуқур ҳис қилаётганини кўриб, қувончдамиз.

Эртўлат Бахт,
«Ниқуқ» мухбири

шиб келтирилади.
Мавжуд 61 та каналлизация тармоғининг 21 таси марказий тармоқда уланган бўлиб, 40 та мактабда каналлизация ҳовлига мослаштирилган. 223 та мактаб газлаштирилган. Мактабларни замонавий компьютерлар билан таъминлаш даражаси ҳам қоникорсиз аҳволда. Вилыот мактабларининг 193 тасида компьютер синфи мавжуд бўлиб, уларда 2439 та компьютер бор. Фақат 6 та таълим муассасасигина интернет тармоғига уланган. Мактабларда айни пайтда 151 нафар ўқитувчи етишмади.

Яқинда матбуотда Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»чи Фармони эълон қилинди. Шахс ҳуқуқи, Президентимизнинг ушбу фармони мактаб таълим тизимини яхшилашга, моддий-техник базасини кучайтиришга, ўқитувчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бахтиёр АХМЕДОВ,
Сирдарё вилыот прокурорининг катта ёрдамчиси.
Абдураҳмон МУСТАФОКУЛОВ,
«Ниқуқ» мухбири

